

ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИДА КОМПОЗИЦИЯНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЎРГАНИЛИШИ

Сайфуллаева Машхура Файзулло кизи
Қарши Давлат Университети талабаси

Аннотация: Мақолада талабалар ўқув фаолиятида рангтасвир композициясини ўргатишнинг мақсади ва вазифалари, методикаси ҳамда илмий-назарияси асослари батафсил ёритилган. Мақоладан Олий ўқув юртларида фаолияти олиб борадиган Тасвирий санъат ўқитувчилари, шу йўналиш талабалари ва барча тасвирий санъат билан шуғулланувчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Аннотация: В статье подробно описаны цель и задачи, методика и научно-теоретические основы обучения композиции живописи в учебной деятельности студентов. Статья может быть использована преподавателями изобразительного искусства, работающими в ВУЗах, студентами данного направления и всеми специалистами изобразительного искусства.

Аннотация: В статье подробно описаны цель и задачи, методика и научно-теоретические основы обучения композиции живописи в учебной деятельности студентов. Статья может быть использована преподавателями изобразительного искусства, работающими в ВУЗах, студентами данного направления и всеми специалистами изобразительного искусства.

Калит сўзлар: талабалар ўқув фаолияти, композиция, қаламтасвир, соя-ёруғ, ранг, ҳаво ва чизиқ перспективаси, тасвирга чизги, ўлчам, рангтасвир ва бошқалар.

Ключевые слова: композиция учебной деятельности, карандашный рисунок, тень-свет, цвет, воздушная и линейная перспектива, линия к изображению, размер, цветная живопись и др.

Keywords: composition of educational activity, pencil drawing, shadow-light, color, aerial and linear perspective, line to the image, size, color painting, etc.

Талабаларда қаламтасвир, рангтасвир, композиция фанлари ўқитилади. “Композиция” тасвирий ва амалий санъатнинг ҳамма турлари, жанрларида мавжд бўлиб, бадий асарнинг асосий негизини ташкил этади.



“Композиция” сўзи лотинчадан «компоситио» - яъни, предметлар бўлақларини солиштириб, маълум тартибда яхлит жойлаштириш, ғояга мувофиқ ижод қилиш, баён қилиш, композиция тузиш демакдир. Тасвирий санъатда композиция қаламтасвир, соя-ёруғ, ранг, ҳаво ва чизиқ перспективаси каби тасвирий воситалар билан яратилади. Композициянинг асосий қонун-қоидалари, усул ва воситалари, композиция- ўқув предмети ҳайкалтарошлик, меъморчилик, графика, қаламтасвир, рангтасвир, санъат тарихи каби мутахассислик фанлари билан узвий боғлиқ.

Қаламтасвир ва рангтасвирда рассом бевосита композиция асосларига мурожаат қилади, унинг қонун-қоидаларини билмай туриб композиция, қаламтасвир, рангтасвир моҳиятини тушуниб йитмайди. Тасвирий санъатда композиция қонун-қоидалари инсониятнинг ибтидоий тараққиёт давридан бошлаб шакллана бошлаган. Ибтидоий давр одамлари ҳаётни зеҳн билан кузатсалар-да, композиция сезгиси жуда бўш ривожланган.

Қадимги шарқ санъатидаги композиция ибтидоий даврчисидан алоҳида фарқ қилади. Қадимги шарқда композиция мавзуси текисликда қатъий маълум тартибда тасвирланиб, қулдорлик жамиятининг (маросимлари) қонунларига буйсундирилган. Қадимги Миср санъатида композициянинг дастлабки янги усуллари пайдо бўла бошлаган. Бу даврда тасвирга чизги, ўлчам, ранг ва тус муносабатлари юқори даражага кўтарилди.

Қадимги дунё рассомлари табиат яратган ўсимлик, барг ва гулларнинг тузилишида, йил фаслларининг кетма-кет келишидаги симметрия ва ритм тушунчаларини англаб, ўз ижодий асарларида- яъни композицияда қўллаш бошладилар. Қадимги греклар рельеф, фронтон композицияларида ритм ва симметриядан унумли фойдаланганлар. Уйғониш давригача композиция фанига бағишланган бирор бир назарий қўлланма яратилмаган.

Композиция тарихи- тараққиёт давридаги тасвирлашга ўргатиш методларини ўрганишдан олдин ривожланган қадимги Мисрда рангтасвир, ҳайкалтарошлик, амалий санъат усталарига талаб кучая борди. Рассомларнинг асарлари, асосан, сарой, кошона, жамоат биноларини безатишга мўлжалланар эди. Мусаввир фравинни тасвирлашда Шоҳ тантанаси маросими талабларига қатъий риоя қилиши зарур эди. Бунда тик турган одам қиёфасига, юраётган, ўтирган, чўккалаган, ҳаракатдаги одамларни тасвирлашга аҳамият берилар, муқаддас қуш ва ҳайвонларни тасвирлашга доир маълум қоидалар ишлаб чиқилган эди. Бу белгиланган қоидалар бир томондан рассом учун тасвирлаш жараёнини енгиллаштира, иккинчи томондан рассомнинг эркин ижодий фикрлашини чегаралаб қўярди.



Бу қоидалар рассомга ҳақиқий ҳаётни қандай кўрса, шундай тасвирлашга имкон бермасди.

Уйғониш даври ренессанс инсониятга улуғ санъат алломаларини етказиб берди. Ўша давр рассомлари эсдалик, кундалик, илмий мақолаларида композиция ҳақида қимматли фикр, хулосаларни ёзиб қолдирдилар.

Илк уйғониш даврининг вакиллари Джотто ва Мазаччо ўз ижодларида перспектива, пластик анатомия, геометрия қонунларини амалда қўллаб, композиция фанининг билимдони эканликларини амалда кўрсатдилар. Юқори уйғониш даври рассомлари санъатнинг ҳар хил турларини бир-бири билан боғлаб, унинг назариясини илмий асослаган ҳолда ривожлантирдилар. Улар перспектива ёрдамида картинада чуқурлик, масофа тасвирини ҳаққоний намоён этишга эришишди. Кўп йиллик кузатув ва таҳлил натижасида кўзга кўринган рассомлар асарларининг ғоявий тузилиши, ранг йечимидаги услуб, амалий тажрибаларини умумлаштириб, Алберти "Рангтасвир ҳақида уч китоб" илмий назарий мерос ёзиб қолдирди. Леонардо да Винчи ва Алберти ўз мақолаларида ва бадий асарларида статик (ҳаракатсиз) ва динамикага (ҳаракат) алоҳида аҳамият берган эди. Франсуз рассоми Э. Делакруа ўз кундалик ва илмий мақолаларида Леонардо да Винчи, А. Дюрер, П. Рубенсларнинг композицияга оид қоидаларини кенгайтириб чуқур маънолар бағишлаб давом эттирди. Леонардо да Винчини ҳар қандай мушкул ишларни осонлик билан уйдасидан чиқа оладиган одил инсон сифатида кўрамиз.

XVI аср охирида композиция ўқув фани сифатида шакллана бошлади. Буни В.Неленг, С.Васильев каби методистларнинг Франция сафаридан сўнг ўқитиш тизими ҳақидаги ҳисоботлари орқали билиш мумкин. 1882 йили таниқли педагог-рассом Виолиэ Ле Дюканинг «Тарихчининг тарихи» китоби рус тилига таржима қилган эди. Бу китоб шахсий иш тажрибасидан келиб чиқиб, тасвирий санъат ўқитиш методикасидан суҳбат тарзида берилган. Бу китобни «Сочинение» қисмида ҳаёл, перспектива маълум қоидаларга таянишни ўқитиб ўтилган. Тасвирий санъатда композиция масалалари ҳақидаги дастлабки методик баён (нома) муаллифи америкалик педагог-рассом А. Доудир. Тасвирий санъатда янги импрессионизм оқимининг пайдо бўлиши рангтасвирнинг янгиланишига асос бўлди, санъатнинг гуркираб ривожланишига туртки бўлди. Импрессионистлар ранг политрасини бойитди. XX аср бошларида Ғарбий Эуропа давлатларида ва Россияда ҳар хил бадий оқимлар пайдо бўла бошлади: футуризм кубизм, экспрессионизм, дадаизм, сюрреализмлар шулар жумласидандир.



XX асрнинг биринчи чорагида тасвирий санат Ғарбий Европа ва Америкада берк кўчага кириб қолган эди. Шу билан бирга кўп санъат мактабларида рассомлар реалистик санъат йўлида композиция назариясини ўрганишни давом етгирдилар. Россия тасвирий санъатида XVIII асргача икона рангтасвири тараққий этган. Энг қобилиятли рус иконачи рассомлардан бири Андрей Рублев эди. Унинг машҳур «Троитса»си икона жанридаги қадимги классик композиция намуналаридан бири ҳисобланади. Композицияда бу рассом гавда ҳолатининг аниқ тасвири, ранг гармонияси ва яхлитлигига эришди.

XVIII аср Рус тасвирий санъатида, реалистик бадий мактабнинг асосчилари А.П.Лосенко, Г.И.Угрюмовлар ҳисобланади. Россияда Петербург Бадий академиясини битирган А.Иванов, А.Эгоров, В.Шебуев, А.Венецианов, К.Брюлловлар ўз ижодий ва педагогик фаолиятларида композиция муаммоларига кўпроқ аҳамият бериб, тасвирий санъатни янги поғонага кўтардилар. 1757 йили ташкил топган Петербург Бадий академиясида мутахассислик фанларини ўқитишни мунтазам тарзда йўлга қўйилиши Россия тасвирий санъатини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Машҳур рассом ва педагог А.П. Лосенко ўз фаолиятига ижодий ёндашиб композиция масалалари устида ишлади. У ҳамма тасвирий воситалар асар ғоясига, мазмунига қаратилган бўлишини таъкидлади.

Лосенко ўз вақтида академик таълим методини янгилашни англади ва янги услубини ишлаб чиқди. Унинг яратган академия ўқитиш назарияси XIX аср ўрталаригача давом этди. Лосенко давридаёқ Россия Бадий академияси довуғи ва обрўйи дунёга тарқалди. А.П.Лосенко юқори савияли композиция устаси эди. Буни «Владимир перед Рогнедой» картинаси мисолида кўриш мумкин. Лосенко дарс берган тарихий жанр турида картина тузилиши масалаларига кўп эътибор берилар эди.

П.И.Соколов, Г.И.Угрюмов, О.А.Кипренский, К.П.Брюллов каби улуғ рассом педагоглар А.П.Лосенкода ўқиб таълим олдилар. Лосенко бошлаган ишни ва академиядаги педагогик фаолиятни Г.И.Козлов, П.И.Соколов (1782 й.) давом етгирдилар. Айниқса Угрюмов, Лосенко бошлаган тарихий жанр классида композицияни давом эттирди, унинг композиция назариясини мукаммаллаштирди. Унинг ўқувчиларидан А.Иванов, А.Егоров, В.Шебуевлар ҳам устознинг услубларини давом эттирдилар.

К.Брюллов ўзининг педагогик ва ижодий фаолиятида гавданинг пластик тузилишига, асарда композиция - мувозанатини ҳаққоний тасвирлашга аҳамият берди. XIX асрнинг иккинчи ярмида илғор маърифатли рус



рассомлари ташқи дунёни ҳаётда тўғри тасвирлаш учун кураш олиб бордилар. Реалистик санъатнинг ривожланишига И.Н.Крамской бошлиқ сайёр рассомлар катта таъсир кўрсатдилар. Асосан халқ манфаатини кўзлаб, ҳаётдаги муҳим воқеаларни кузатиб, ижод қилдилар, асар ғоясига катта аҳамият бердилар. Кўплаб рус рассомларининг устози П.П.Чистяков мутахассислик фанларини ўқитишнинг янги тизимини яратди.

Реалистик санъатнинг буюк намоёндаси И.Э.Репин композицияни илмий-назарий ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Шунингдек, тарихий жанрда ҳар томонлама янги новаторлик воситалари билан В.Суриков рус рассомларига ўз таъсирини ўтказди. У композиция эскизини бажаришга алоҳида аҳамият берди. XIX аср охири XX аср бошларида Россия санъатида ва ўқитиш тизимида илғор - прогрессив йўналиш билан бир қаторда сўл кучлар таъсирида, буржуа фалсафасига тақлид қилган янгилик - «новизна» оқими ҳам пайдо бўла бошлади.

Маиший жанрдаги картина мазмуни, композициянинг бадиий юксак яхлитлиги аста-секин ўз кучини йўқота борди. Буюк педагог, рассом Д.Н.Кардовский буларга қарши мурасасиз кураш олиб борди ва реализм позициясида туриб ҳимоя қилди. Д.Кардовский ҳам П.Чистяков каби тасвирий санъатдаги ардоқли педагог-рассомлардан эди. В.Эфанов, Д.Шмаринов каби кўплаб Россия рассомлари унинг устахонасида яхши таълим олдилар.

Композиция ҳаёт ҳодисаларини образли акс эттирувчи восита бўлиб, талабалардан маълум форматда, оддийдан мураккаб эскизлар бажаришга ўтиш принципларини қўйди. Кейинчалик композиция назарияси, амалиёти ва уларни ўқитиш методикасини асосий принципларини ишлаб чиқишда В.Фаворский, А.Дейнека, К.Юон, Э.Кибрик, А.Алпатов, Г.Нисский, Ф.Решетников, Д.Шмаринов каби рус рассомлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Булардан К. Юон, А. Дейнека, Э. Кибрик, М.Алпатовларнинг қолдирган ижодий ва илмий назарияси, тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Композициянинг назарий асосларини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган рассомлардан яна бири Константин Юондир. У улуғ рассомларнинг асарлари мисолида композиция тузилишини таҳлил қилиб: контраст, вертикал, горизонтал, диагонал симметрия, ассиметрия, айлана, учбурчак, мувозанат, ритм яхлитлик, динамик, статик ҳолат, ёруғ, ранг колорити, кўриш нуқтаси, горизонт, композиция плани, маҳобатлик, декоративлик каби тасвир услубларини кўрсатиб берди. К.Юон композицияни ўқитиш методикаси савиясини юқори даражага қўйиш керак деб ҳисобларди.



Композиция масалаларини такомиллиштиришга муносиб ҳисса қўшган буюк рассомлардан бири Э. Кибрикдир. Композиция қонун-қоидаларини чуқур билиш ижодкор онгига сайқал беради. Яхлитлик қонуни, ўхшатиш, контраст қонун воситалари, мазмуни ва ғояга бўйсунуш композициянинг асосий қонунлари ҳисобланади. Бу қонуннинг белгилари Э. Кибрикнинг китобида тўла ва чуқур анализ қилиб берилган. Композицияда яхлитлик белгиси қонунига риоя қилинганлиги сабабли, санъат асари бўлинмас бир бутун бўлиб кўринади. Композиция яхлитлигида композиция элементлари шакл, ҳажм, «доғ», оралиқ ҳарактер нусха, имо-ишора билан ифодаланади. Мисол тариқасида И. Репиннинг «Крестный ход в Курской губернии» картинаси бир қарашда яхлит «доғ» шаклида кўринади. Композициядаги омма - ҳалойиқ тасвири диоганал жойлашган бўлиб, картинанинг тўрт бурчагини боғлаб туради. Картинада ниҳоятда кўп сонли ҳалойиқ-жамоа тасвирланган бўлиб, ҳар бир киши характери, салбий, ижобий образлар орқали ва синфий қарама-қаршилиқлар, хуллас, рус жамияти ўз ифодасини топган.

Композициянинг ҳақиқат қонуни - асосан учта белги билан ифодаланади. Биринчи белги - бу бадий асарда содир бўлаётган воқеанинг ўзига хослиги. Типизация қонунининг иккинчи белгиси - бу содир бўлаётган воқеа мавзуини, ҳаракат ҳолатининг вақтини тасвирлаш. Типизация қонунининг учинчи белгиси - бу янгилик. Реалистик санъат ҳақиқатни тўғри ифода этиб қолмай, рассом ҳис- туйғуларини, эстетик гўзалликни, тасаввурни жозибали тараннум этади. Бадий образдаги эстетик сифатлар, композиция ечимидеги янгиликлар рассом томонидан кашф этилади.

Композициянинг асосий қонунларидан бири контрастлик қонунидир. Леонардо да Винчи «Рангтасвир қонунлари» илмий асарида ўлчам қарама-қаршилиги ҳақида, катта-кичик, паст-баланд, юпқа-қалин, ҳарактер, фактура, материаллар контрасти тўғрисида ёзади. Микеланжело текисликдаги ҳажм контрастларига кўп аҳамият беради. Инсон предметлар шаклини фақат соя ва ёруғ контрастик орқали сезади ва ўз онгига сингдиради.

Ҳозирги вақтда биз композицияни назарий асосларини икки гуруҳга ажратамиз. 1. Композиция қонунлари. 2. Композиция қоида ва усуллари.

Композициянинг асосий усулларидан бири ритмни ифодалаш, композиция мавзуси марказини аниқлаш, симметрик ёки ассиметрик ҳолати, массани иккинчи пландаги кенгликдаги асосий қурилмасини жойлаштириш.

Композицияни горизонтал усулда ифодалашда тинч, осойишталик ҳолатини сезамиз. Композицияни параллел, вертикал йўналишда бўлиши



тантанали улуғвор, кўтаринки руҳ ҳолатини англатади. Композиция устида ишлаш ва барча тайёрлов босқичлари ижодий жараён ҳисобланади.

Композиция воситалари - Чизиқ, штрих, рангли ва тусли доғ (суртма) соя - ёрут, ранг, чизиқли, ҳаво ва ранг преспективалари композициянинг воситаларидир. Чизиқни эса тасвирий санъатнинг асосий воситаларидан бири дейиш мумкин. Ундан узоқ муддатли, қисқа муддатли композиция эскизларида фойдаланилади. Рассом қоғоз юзасида предмет шаклини очроқ, тўқроқ чизиқлар орқали ифодалаш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рангасвирда композициянинг ривожланиш тарихи, унинг қонуниятлари, восита ва усулларининг талаба ўқув жараёнида ўрганишлари учун муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. О.К.Апхутин «Тасвирий санъат асослари».-Тошкент. Ўқитувчи. 1984 й.
2. Б.К.Азимова «Натюрморт чизиш ва тасвирлаш методикаси». -Тошкент. Ўқитувчи. 1984 й.
3. Г.М.Абдурахмонов «Тасвирий санъат композицияси» Тошкент. 1996 й.
- 4.Абдуллаев Н. Жаҳон санъати тарихи. Тошкент. 2007. Том2. 205б
- 5.Ахмедова Н. “Традиции. Современность. Диалог”. Т.: 2004
- 6.Зоҳидов П. :Меъмор олами”. Т.: 1996 йил
- 7.Худайбергенов Р. А. “Композиция” (Маҳобатли рангасвир), Ўқув қўлланма. Т.: “Ғ.Ғулом” 2007. – 192 б.
- 8.Ғ.С.Рахметов “Дастгоҳли Рангасвирда Композиция Асослари”. Т.: 2007. . (Олий ва ўрта ўқув юрти, “рангасвир” йўналиши учун методик қўлланма.
- 9.Худайбергенов Р. А. “Тасвирий санъатда ранг”, Ўқув қўлланма. ТДСИ Ўқ. Босмахонаси 2004. – 79 б.
10. Virgil Elliott Traditional Oil Painting

